

**КОНЛАРНИНГ ГИДРОГЕОЛОГИК ВА МУҲАНДИС-ГЕОЛОГИК
ШАРОИТИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ
(САРИКУЛ КОН МИСОЛИДА)**

Рўзиев А.Ш.

Геология фанлари университети 4-босқич талабаси

Собирова.Д.Н.

Геология фанлари университети 4-босқич талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада Сарикул конида содир бўлаётган гидрогеологик ва муҳандис-геологик шароитлари таҳлил қилинган. Бунда ер усти сувларининг сарфи, ер ости сувларининг сатҳи бурғи қудуқларида ўрганилди ва кимёвий таркиби таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда конда тоғ жинслари дарзланишини (система) ўрганилиб йўналишларга ажратилган. Тўпланган маълумотлар асосида тоғ жинслари дарзланишининг айлана диаграммаси тузилди.

Калит сўзлар: бурғи қудуғи, сув сатҳи, ер ости суви, минераллашуви, тоғ жинси, ер ости сувининг умумий қаттиқлиги, бўшлийлик коефисиенти, солишиштирма ёриқлийлик, тоғ жинсларининг дарзланиши.

Аннотация: В данной статье проанализированы гидрогеологические и инженерно-геологические условия, протекающие на месторождении Сарикуль, изучены расход поверхностных вод, уровень грунтовых вод в буровых скважинах, проанализирован химический состав. На основе собранных данных, которые были распределены по направлениям изучения трещиноватости горных пород на месторождении (системе), была составлена круговая диаграмма трещиноватости горных пород.

Ключевые слова: скважина, уровень воды, подземные воды, минерализация, горная поверхность, общая жесткость грунтовых вод, коэффициент пустотность, трещины горной породы.

Abstract: In this article, the hydrogeological and engineering-geological conditions occurring at the Sarikul deposit are analyzed, the flow rate of surface waters, the groundwater level in drilling wells are studied, and the chemical composition is analyzed. Based on the collected data, which were distributed according to the directions of studying the fracturing of rocks in the deposit (system), a pie chart of the fracturing of rocks was compiled.

Keywords: borehole, water level, groundwater, mineralization, rock surface, total hardness of groundwater, voidness coefficient, rock cracks.


Кириш

Ҳар бир давлат иқтисодиётининг ривожланишида ер ости бойликларни қидириб топиш, қазиб олиш ва ундан самарали фойдаланиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва ер ости бойликлари заҳираларини тўлдириб бориш саноат ривожланишининг асоси ҳисобланади.

Биламизки, дунёning барча мамлакатларида кон атрофи ва конларда ривожланган муҳандис-геологик ва гидрогеологик жараёнларни доимий кузатиш муҳим аҳамият қасб етади. Чунки конларда бўладиган жараёнлар кон қазиши ишларига келтирадиган иқтисодий омиллар кўламининг кенглиги ва иш самарадорлигини камайиб кетиши билан тавсифланади. Шунинг учун бу жараёнларни ўрганиш долзарб муаммо ҳисобланади [3,5]. Фойдали қазилма конларини ўзлаштириш натижасида техноген омиллар рўлининг ортиши оқибатида муҳандис-геологик ва гидрогеологик жараёнларни шаклланишига олиб келади. [4].

Шу муносабат билан, биз ўрганаётган Сарикул кони майдонида геологик ўрганиш ишлари билан бир қаторда гидрогеологик ва муҳандис-геологик дала илмий тадқиқот ишларини олиб борилди. [1].

Натижалар. Тадқиқот майдони Тиян-Шаннинг тоғининг Зарафшон тизмаси ғарбий қисмини Қоратепа тоғларини қамрайди (1-расм). Сиёсий-маъмурӣ жиҳатдан Сарикул кони (Қоратепа тоғлари) Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари худудларига тегишлидир. Геоморфологик хусусиятига кўра Китоб-Шаҳрисабз ва Зарафшон ботиқлари ўртасида жойлашган ўртача баландликдаги тоғлар. Қоратепа тоғларининг денгиз сатҳидан баландлиги 800 дан то 2200 м гача ўзгаради (енг баланд нуқтаси Камқутон тоғи - 2236м).



1-расм. Тадқиқот майдони жойлашган раённинг обзорли харитаси

Кон ҳудудида геологик қидириув ишлари билан бир қаторда гидрогеологик ва муҳандис геологик тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Конининг гидрогеологик шароити табиий омилларга боғлиқ ҳолда ривожланган. Табиий омилларга: майдоннинг иқлими, рельефи, тоғ жинсларнинг литологик таркиби, геологик тузилиши ва гидрографик шароитлари киради.

Иқлим омиллари (атмосфера ёғинлари, намлик, буғланиш, шамол ёъналиши) майдон ҳудудида табиий сув ҳосил бўлишининг асосий жараёнларини белгилайди. Кон ҳудудида иқлим кескин континентал: йуқори, ўртача ва йиллик ҳаво ҳарорати, кам ёғингарчилик ва йуқори буғланишни ҳосил қиласди. Энг иссиқ ойлар июл ва август ойлари, максимал ҳаво ҳарорати $+45^{\circ}$ гача, энг совук ойлар еса январ ва феврал ойлари бўлиб, ҳарорат $-10-20^{\circ}\text{C}$ гачани ташкил етади.

Ёғингарчиликнинг максимал миқдори асосан қиш-баҳор ойларига тўғри келади, ўртача йиллик ёғингарчилик 400-500 мм. Ёғингарчилик даврида ер ости сувлари интенсив равишида тўлдирилади. Ёзда ёғингарчилик ёғмайди, ер ости сувлари озиқланмайди ва асосан оқим ва буғланишга сарфланади. Қишида нисбий намлик максимал қийматга етади - 82%, ёзда у 30-32% гача тушади. Йил давомида устунлик қиласиган шамоллар жануби-ғарбийда есади. Ёзда шарқий шамоллар тез-тез бўлиб туради. Шамолнинг ўртача тезлиги 2,2-3,4 м/с.

Иқлимини ер ости сувларининг шаклланишига таъсири нуқтаи назаридан баҳолар экан, шуни таъкидлаш керакки, тоғ олди текисликларида унинг рўли унчалик катта эмас. Дарзланган тоғ жинслар ривожланган тоғларда ер ости сувлари асосан ёғингарчилик ҳисобига озиқланади

Кимёвий таркибига кўра, булоқ сувлари гидрокарбонат-суlfатли, калсий-магнийли калсийли бўлиб, минераллашуви 0,210-0,36 г/л, pH – 7,0 дан 8,0 мг-екв/л гача, суви йумшоқ. Оғир елементларнинг таркиби талабга жавоб беради.

Атмосфера ёғинларининг арзимас миқдори, ер юзасининг сезиларли қияликлари ва тўртламчи давр ётқизиқлари бу ҳудудда ёғингарчиликнинг палеозой жинсларига сингиб кетишига ёрдам бермайди. Паст тоғлар ичida ёғингарчилик инфильтрасияси коеффициенти 2 дан 5% гача, бу ерда табиий ер ости сув ресурслари аҳамиятсиз.

Кескин континентал иқлимини шароитида ёғингарчиликнинг катта қисми тупроқ ва ўсимликлар йузасидан буғланишлар орқали қўтарилса, қолган қисми эса ҳудуднинг қиялиги туфайли баҳорги тошқин даврида оқиши кузатилади. Фақат очиқ ёрилиб кетган палеозой жинслари пайдо бўлган жойларда атмосфера ёғинларининг кириб бориши ва ер ости сувлари заҳираларини тўлдириш учун қулай шароитлар яратади.

Ҳудуднинг гидрогеологик шароитларини ўрганиш учун гидрогеологик ва

муҳандис-геологик тадқиқотлар натижаларига кўра худудда 4 та булоқда кузатув ишлари олиб борилди.

1–булоқда сув сарфи 0,0068 л/сек дан 4,6 л/сек гача ўзгариши кузатилса;


2–булоқдаги сув сарфи 0,008-1,5 л/сек (5.1.1-расм);

3–булоқдаги сув сарфи 0,005 л/сек дан 0,15 л/сек гача;

4–булоқдаги сув сарфи 0,018 л/сек дан 1,5 л/сек гача ўзгариши кузатилади.


19-сонли қудукдаги ер ости сув сатҳи 35,21 м ни ташкил этади (2021 йил май ойига кўра);

27-сонли қудукдаги ер ости сув сатҳи 20,67 м дан 23,1 м гача ўртacha 22 м ни ташкил этади (2-расм).



2-расм. Геологик бурғи қудукларда ер ости сув сатхининг ўзгариш графиги (27-қудук).

Муҳандис-геологик жараёнларнинг шаклланиш шароитларини аниқлаш учун Сарикул конининг штолняларида муҳандис-геологик ўрганиш, кузатиш ишларини олиб борилди Бунга кўра ёриқларни майдондаги кўрсаткичлари: эни 1мм-12мм, узунлиги 0,45-1,20 метргача, ёриклар сони 3-9 та гача. Бўшлийлик коефисиенти 0,33-2,8%, солиштирма ёриклийлик 3,2-7,0 мм². Кернлардаги ёриклар сони 1см 3 – 9 тани, бўлакланиш коефисиенти 5,2– 18,1% ташкил этади. Ушбу участкада тоғ жинслари дарзланишини 3 та системага ажralганлигини кўришимиз мумкин (3-расм).




3-расм. Төг жинслари дарзланишиниг айланы диаграммаси.

I – система, ётиш азимути $180^{\circ}-200^{\circ}$;

II – система, ётиш азимути $345^{\circ}-360^{\circ}$;

III – система, азимут падения $300^{\circ}-320^{\circ}$.

Конида ер юзига чиқиб қолган ёриқларни, дарзликларни (100 та) майдонда (площадка) ўлчаш амалга оширилди. Ёриқларнинг йўналиши қутбли азимутал йўналиш асосида нуқтали туташувининг диаграммаси тузилди. Диаграмманинг таҳлили шуни кўрсатадики, ёриқлар қутблари йўналиши тизимли тақсимотга эга бўлиб, учта ёриқлар тизимиға тўғри келадиган йўналиши келтирилган.(4-расм).



4-расм. Төг жинслари дарзланишиниг қўп бурчакли (роза) диаграммаси.

I – система, ётиш азимути 180-200°;

II – система, ётиш азимути 180-230°.

Сариқул кон худудида асосан тектоник ёриқлар ривожланган, бундан ташқари сунъий келиб чиқадиган босим орқали пайдо бўлган дарзликлари мавжуд. Тектоник ёриқлар ажralиш ёриқлари билан таъминланади. Ажralиш дарзликлар кескин киялик, вертикал бўлиб, тўкилмаларини ҳосил бўлишига ёрдам беради. Чикиб кетиш жойларидаги ёриқларнинг геометрик параметрлари қўйидаги ҳолларда ўзгариб туради: кенглиги 1 мм дан 18 мм гача, ёриқ узунлиги 26-100 см гача, ёриқлар сони 1 дан 8 гача, қидирав қудукларидаги еса 1- 4 гача, дарзлик кенглиги 1 мм дан 3 мм гача, дарзлик узунлиги 5 см дан 12 см гача. Дарзлик бўшликлари таъсирига қараб участкаларда дарзликларни бўшлиқларини аниқлаш 0,3-3,0% ни ташкил қиласди (7.1.1-расм). Олиб борилган тадқиқот изланишлар қўйидагилардан иборат. З-штолняда, асосан, доломитлашган оҳактошлар, гранодиоритлар, сланеслар ва ўзгарган

метосоматитларни учратиш мумкин. Бу тоғ жинсларининг дарзликларини $1\times 1\text{m}^2$ масофадаги күрсаткичлари қуйидагилардан иборат: ени 1 мм дан 15мм, узунлиги 48 см дан 180см гача, дарзликлар сони 1-8тагача учрайди. Дарзликнинг бўшлилик коеффициенти 0,5 % дан 7,2% гача, солишишторма ёриқлик 1,4-7,4м²/м гача ўзгаради

Фойдали қазилма кони худудида ер ости сувларининг табиий захираларини сиркулясияси ва тақсимланиши бўйича қазилма кони I зона киради. I зонада йер ости сувларининг захираларини йифилиши кам ҳисобланади. Ўрганилган бурғи қудуқларидаги ер ости сувларининг ер йузига яқинлигини 0,0м дан 5,22м гача ўзгариб туриши ушбу қудуқларда сув оқиб туриши кузатилади, айрим бурғи қудуқларидаги сувлар сарфи ўзгариши ва сув сатхи кўтарилиши тушиши мавсумийдир. Тадқиқот натижаларига кўра ушбу бурғи қудуқларидаги ер ости сувлари қазиш ишларига унча катта таъсир қилмайди.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб шуни хулоса қилиш мумкинки фойдали қазилма кони гидрогеологик шароитлари бўйича оддий типга киради.

Маълумотларга кўра бу коннинг дарзланиш бўшлилик коеффициенти кучсиз дарзланган. Техноген ишлар натижасида Сарикул участкасида дарзланиш коеффиценти ўзгарган. Дарзликнинг кенглиги ингичка дарзлангандир.

А-кам дарзланган майдон тоғ жинслари озгина дарзланган монолит шаклида бўлиб, ўртacha ёрилган ва дарзланган. Тоғ жинсларининг ёрилишини 1m^2 майдонларда ўрганиш ишлари олиб борилганда дарзликларнинг бўшлилик коеффициенти ДБК– 0,5-2,0%, дарзлар сони 1-2 тагача бундай жойларда муҳандис- геологик шароитларнинг ўзгаришлари кузатилмайди.

Б-ўртacha дарзланган майдон ўртacha дарзланган тектоник ёриқлар атрофида, катта ёриқлар яқинида ҳамда майдаланиш зонаси бўлмаган жойларда учрайди, 1m^2 майдонда 3-5 тагача дарзларни учратиш мумкин. ДБК– 2,5-5,0%, гача. Тоғ жинсларининг дарзланиши ва физик-механик хосса ва хусусиятлари ўзгаради, янги дарзлар пайдо бўлади, кон қазиш ишларида намлик даражаси ортади.

В-кучли дарзланган майдон кучли дарзланган, бу майдонда тоғ жинслари дарзланиши кучли бўлади, тоғ жинслари асосан майда блокли тектоник бузилишларда учрайди. ДБК– 5,0% дан юқори 1m^2 майдонда 5-7 тагача дарзларни учратиш мумкин. Ҳосил бўлган дарзлар бўйлаб ер ости сувлари ҳаракат қиласида натижада шахта деворлари ҳамда тоғ кон иншоотлари ёнбағирларининг мустаҳкамлиги камайади, дарзлар бўйлаб силжишлар содир бўлади. Бу эса ер остидан фойдали қазилмаларни қазиб олишда қийинчилик туғдиради.

Кон худуди муҳандис-геологик шароити бўйича қазиш ишларини олиб борилганда тўкилишлар, унча катта бўлмаган нурашлар ва ағдарилишлар каби муҳандис-геологик жараёнлар рўй бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирасланов М.М. Инженерная геология, гидрогеология месторождений твердых полезных ископаемых Узбекистана. - Т., 2011. - С. 15-164.
2. Арипова Ф.М., Мирасланов М.М. и др. Физико-механические свойства горных пород рудных месторождений Узбекистан: справочник. - Типография центра по науке и технологиям, –Т.: 2006. –220 с.
3. Курбонов Э.Ш. Гидрогеологические и инженерно-геологические условия как фактор водопритоков. Горные выработки и провальные воронки золоторудных месторождений «Гужумсай». Горный вестник Узбекистана № 4 (87) 2021г. С–41-43.
4. Қурбонов Э.Ш., Ахунжанов О.М., Исомиддинов Ё.Я. Конларни ер ости қазиб олиш ишларида мұхандис-геологик жараёнларнинг таъсири (Ходжадик кони мисолида). Иновацион технологиялар журнали. Қарши–2020й. –25–30 б.
5. Kurbanov E.Sh., Akhunjanov A.M., Isomiddinov Ya.Ya. Hydrogeological and engineering study of the geological conditions of the Guzhumsay deposit. International Journal of Geology, Earth & Environmental Sciences. 2020 Vol. 10(3) September-December, pp. 31
6. Геология фанлари университети хабарлари журнали.